



№ 03/10 - 1087
“13” oktyabr 2023

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат
хизматини ривожлантириш
агентлиги директорининг
биринчи ўринбосари
О.А. Хасановга

Ҳурматли Отабек Абдурашидович,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6168-сон Фармонида мувофиқ ҳамда “Эл-юрт умиди” жамғармаси Васийлик кенгашининг 2023 йил 4 октябрдаги 9-сон қарорига асосан, “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан илғор хорижий давлатлар нуфузли университетлари ва илмий марказларида бакалаврият, магистратура ва докторантурада таълим олиш учун **345 ўринга** мўлжалланган 2023 йилги **2-очик стипендия танлови** жорий йилнинг **10 октябридан эълон** қилинди.

Номзодларнинг ҳужжатлари 2023 йил **10 октябрдан – 10 ноябрга** қадар, республиканинг барча ҳудудлари вакиллари учун **ягона тартиб ва тенг имконият асосида, онлайн режимда электрон тарзда қабул** қилинади.

“Эл-юрт умиди” жамғармасининг 2-очик стипендия танловлари тартиби билан боғлиқ янгиликларни вазирлик, идора ва ташкилотлар, шунингдек, ҳудудлардаги ёшлар орасида кенг тарғиб этишга қаратилган ҳудудий амалий-услубий семинарлар графиги ишлаб чиқилди.

Ушбу ҳудудий амалий-услубий семинарлар иқтидорли ва истиқболли, айниқса республика ҳудудларидан ёш мутахассисларни излаб топиш ва танлашга қаратилган фаолиятни тубдан такомиллаштириш ва янада модернизациялаш, уларнинг хориждаги нуфузли таълим ва илмий муассасаларда, ишлаб чиқариш, инновацион ва бошқа компанияларда мақсадли таълим олишини ҳамда стажировкадан ўтишини ташкил этиш, профессионал, чуқур билимга эга, замонавий фикрлайдиган ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбияланган янги авлод кадрларини шакллантириш ва уларни давлат хизматига жалб этиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Шунингдек, амалий-услубий семинарлар давомида Жамғарма **2-очик стипендия танловларини ўтказиш тартиби, ажратилган квоталар, устувор йўналишлар, танловни ташкил этиш механизми ҳамда электрон ҳужжат топшириш платформасининг ишлаш тартиби** тўғрисидаги маълумотларни номзодларга тўлиқ етказиш режалаштирилган.

Ушбу ҳудудий амалий-услубий семинарлар графигида белгиланган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказлари ҳамда туман, шаҳарлар иштирокчилари учун семинарлар видеомулоқот шаклида ташкил этилади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, “Эл-юрт умиди” жамғармасининг 2-очиқ стипендия танлови тартиби билан боғлиқ янгиликларни вазирлик, идора ва ташкилотлар, шунингдек, ҳудудлардаги ёшлар орасида кенг тарғиб этишга қаратилган ҳудудий амалий-услубий семинарларни графикка асосан онлайн ўтказишда амалий ёрдам беришингизни сўраймиз.

Илова: 3 варақда.

Ҳурмат билан,

Ижрочи директор
ўринбосари в.б.



Ж. Ахмедов

Ижрочи: Ж. Умидуллаев,
Тел: (97) 594 22 93